Мукофот Мадридда топширилади

«Қорақалпоқбуян» агробирлашмаси номига Испания пойтахти Мадрид шаҳридаги Халқаро сифат қўмитасидан хушхабар келди. Унда айтилишича, бирлашманинг хорижга жўнатган буян илдизи сифати жиҳатидан жаҳондаги 136 мамлакат орасида энг юқори баҳоланиб, «Платина юлдузи»га лойиқ деб топилган. Юксак мукофот бирлашма вакилларига шу йил ноябрида Мадридда тантанали равишда топширилади.

Бунёдкорлик фаолиятини бойитади

Тошкентдаги республика савдо кўргазма маркази — «Ўзэкспомарказ»да «Марказий Осиё: тўқимачилик ва чарм—98» ва «Марказий Осиё: қурилиш — 98» халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди.

«Марказий Осиё: тўқимачилик ва чарм — 98» халқаро кўргазмаси Ўзбекистонда учинчи марта ўтказилди. Унда Австрия, Буюк Британия, Германия, Италия, Япония, Чехия, Туркия каби мамлакатларнинг таниқли компаниялари иштирок этди. «Тексита», «Ритер Текстайл Системс», «Юки», «Суперба», «Иточу корпорейшн» сингари фирмалар ўзларининг тўқимачилик ва чарм саноатида қўлланиладиган энг замонавий технологиялари ва ускуна жиҳозлари билан бир қаторда, улар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларни ҳам намойиш қилди.

«Марказий Осиё: қурилиш — 98» халқаро кўргазмасида намойиш этилган замонавий технологиялар ва қурилиш материаллари бугунги бунёдкорлик фаолиятимизни янада бойитди.

Тола Англияга жўнатилди

Қумқўрғонлик деҳқонлар бу йил давлатга 28 минг тонна пахта етказиб беришга бел боғлаган.

Улар ҳозирдаёқ режанинг тўртдан бир қисмини бажариб қўйишди.

Ҳосил эса қайта ишланиб, буюртмачиларга юборила бошланди, яъни Англиянинг «Меридик-Джонс» фирмасига дастлабки 300 тонна биринчи нав тола жўнатилди.

Шуниси қувончлики, янги ҳосилдан 37 фоизгача тола ажратиб олинмоқда. Бу пахтанинг сифатлилиги ва толасининг пишиқлигидан далолатдир.

«Сумалак» — Японияда бўлди

«Сумалак» раққосаларининг маҳорати Франция, АҚШ, Покистон, туркиялик санъат шайдоларига яхши маълум. Яқинда эса ижодий жамоа Япониядаги турк маданий маркази таклифига биноан кунчиқар мамлакатга сафар қилди. Улар Негата, Таяма, Кашивазаки шаҳарларида ўн олти кун давомида саксондан кўпроқ концерт бериб, миллий хореография ва ашулачилик санъатимизни намойиш этдилар. Японияликларга ўзбек мумтоз ашулалари ва рақслари айниқса манзур бўлди.

Хорижлик олимлар ҳам қатнашди

Яқинда Беруний шаҳрида Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган халқаро симпозиумда Германия, Қозоғистон ва Қирғизистондан ҳам олимлар иштирок этди.

Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раиси Т. Камолов, ЮНЕСКОнинг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн ва бошқаларнинг маърузаларида буюк алломанинг бутун жаҳон фани ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси алоҳида таъкидланди.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 19 сентябрь, шанба • № 113 (23.350).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Хўжаликда завод қурилмоқда

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев яна бир эзгу ишга қўл урди. Хўжалик ҳудудида французлик шериклар билан ҳамкорликда мавсумда 10 минг тонна шакар, 1800 тонна спирт ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган улкан завод қурилиши бошлаб юборилди. Ушбу иншоот қурилишига 15 миллион АҚШ доллари сарфланмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 8 йиллиги нишонланадиган кунларда ишга туширилиши режалаштирилган мазкур заводда келгусида 200 киши иш билан таъминланади. Лавлаги уруғи, техника ва бошқа барча эҳтиёт қисмлар дастлабки икки йил давомида хориждан келтирилиши мўлжалланмоқда. Шу йилларда ёшларимиз касб сирларини ҳам ўрганишади. Энди шакар, спирт ва хорижникидан асло қолишмайдиган, чиройли ва бежирим қадоқланган маҳсулотлар хўжаликда тайёрланадиган бўлди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Италияликлар ошқовоққа қизиқади

Чорвачилик маҳсулдорлигини оширишда озуқабоп ошқовоқ муҳим ўрин тутади. Нукус туманининг бир қанча хўжаликлари Украинадан «Волга» навли ошқовоқ уруғини келтириб, 150 гектар ерга экқан эдилар. Ҳосил мўл бўлди. Энди бундай экин майдонларини кенгайтириш, уни етиштириш технологиясини такомиллаштириш режалари ишлаб чиқилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, мазкур экин уруғига жаҳон бозорида ҳам талаб катта экан.

Италия фирмалари ошқовоқ уруғини қорақалпоқ деҳқонлари етказиб бериши тўғрисида ўзаро манфаатли шартнома туздилар.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ

«Қариқиз» – қовуннинг зўри

Қаршида қовун сайли бўлиб ўтди. Вилоят Мустақиллик майдони деҳқонлар етиштирган сархил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тўлди. Шунингдек, жойлардан келтирилган полиз маҳсулотлари кўрикдан ўтказилди. Ўнда Нишон туманидаги «Пахтаобод» жамоа хўжалиги ижарачиси Ҳаким бува Усмонов етиштирган «Оқ уруғ», «Бўри калла», «Тириш», «Пахтаобод кўкчаси», «Қариқиз» сингари қовунлар энг зўри деб топилди.

Кўрик ғолиби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Илҳом КАРОМОВ



Шу кунларда Фарғона нефтни қайта ишлаш бирлашмасида цехларни қайта жиҳозлаш бўйича тезкор ишлар амалга оширилмоқда. «Ўзнефтегаз» миллий корпорацияси билан Япониянинг «Мицуи» фирмаси ўртасида тузилган шартномага биноан амалга оширилаётган бу лойиҳа мамлакатимиз нефть мустақиллигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларда алоҳида ўрин тутади. Ушбу қурилишда Англия, Туркия, Япония ва Ўзбекистон вакиллари аҳиллик билан меҳнат қилишаётир.

Суратда: ўзбекистонлик, англиялик ва туркиялик мутахассислар қурилиш майдонида.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Конференция тўрт кун давом этди

Ўзбекистон — Италия ҳамкорлигида ўтказилаётган «Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўзаро геоиқтисодий ва геосиёсий таъсири» мавзуидаги халқаро конференция якунланди. Мазкур анжуман ташкилотчилари Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Италия Мудофаа вазирлигининг Олий мудофаа тадқиқотлари марказидир.

Тўрт кун давом этган халқаро конференцияда ўзбекистонлик ва италиялик тадқиқотчилар умумий ва минтақавий хавфсизлик, миллий мудофаа тизимлари, аҳолини табиий офат ва техноген фалокатлардан ҳимоялаш сингари мавзуларда ўзаро тажриба алмашдилар, янги ғоялар ўртага ташланди ва муҳокама қилинди. Анжуман доирасида бугунги кунинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбатлари ўтказилди.

Эсперанто бўйича қўлланма

Москвадаги «Импето» нашриётида «Эсперанто Халқаро тили» китоби чоп этилди. Эсперанто бўйича ўзбек тилидаги бу илк қўлланмани Самарқанддаги халқаро тинчлик ва биродарлик музейи директори, бутун жаҳон эсперанточилар уюшмаси аъзоси Анатолий Ионсев ва шаҳардаги 55-ўрта мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси, «Эсперанто» клуби раҳбари Баҳодир Ҳабибов ёзган. Китобда эсперанто грамматикаси, эсперанто-ўзбекча, ўзбекча-эсперанточа луғат,. ўзбекча-эсперанточа сўзлашувлардан намуналар берилган.

Бугунги кунда дунёда кенг оммалашиб бораётган халқаро тил ҳақидаги китобни чоп этишда Канаданинг «Карсон» маориф жамғармаси яқиндан ёрдам берган. Самарқанд вилоят фан ва техника маркази уни кўп нусхада нашр этишни режалаштирмоқда.

(ЎзА)

Бу дунёнинг ишлари

«Олти қўшув икки» — амалда

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Олти қўшув икки» кўринишидаги қўшимча контакт гуруҳи тузиш тўғрисида таклиф киритган эди. Афғонистон теварагидаги, унга қўшни олтита давлат — Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Хитой, Покистон, Эрон ва уларга қўшимча яна икки давлат — АҚШ ва Россиянинг биргаликда Афғонистон мозаросига барҳам беришнинг мақбул йўлини топиш масаласи юқоридаги таклифда назарда тутилган эди. Ҳозир бу гуруҳ ўз фаолиятини бошлаб юборган.

Куни кеча БМТ Бош котиби Кофи Аннанинг ташаббуси билан шу йилнинг 21 сентябрь куни БМТнинг Нью-Йоркдаги штабхонасида Афғонистон бўйича учрашув ўтказиш учун қўпгина мамлакатларнинг ташқи ишлар вазирлари таклиф этилди. Бу ҳақда Аннанинг матбуот котиби Фред Экхард хабар қилди. Экхарднинг айтишига кўра, учрашув «Олти қўшув икки» кўринишида давом эттирилади. У ушбу учрашувда Кофи Аннан сўзга чиқиш-чиқмаслигини айтгани йўқ.

Толибонлар мактуби

«Толибон» ҳаракати раҳбарияти БМТ Бош котиби Кофи Аннан номига мактуб йўллаб, толиблар ва Эрон ҳукумати ўртасида музокаралар олиб боришига ёрдам беришини сўради. Бу ҳақда БМТнинг Эрондаги ваколатхонаси матбуот хизмати хабар қилди. Хабар қилинишича, Кофи Аннан толибларнинг илтимосини ижобий қабул қилди ва бу борада Эрон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Хотамий раҳбарлигидаги Эрон делегацияси вакиллари билан маслаҳатлашиб олишга ваъда берди. Ушбу делегация душанба куни БМТ Бош Ассамблеясининг мажлисида қатнашиш учун Нью-Йоркка келади. Бироқ Кофи Аннан айтдики, агар Афғонистонда тинч аҳоли ўлдирилиши давом этар экан, толибонлар раҳбариятининг халқаро ташкилотлардан ҳар қандай ёрдам кутиши фойдасиз.

Мудофаа вазири бўшатилди

Туркманистон Президенти мамлакат мудофаа вазири ва қатор олий тоифадаги зобитларни эгаллаб турган лавозимларидан бўшатди. Уларнинг айримлари ҳарбий унвонларидан ҳам жудо бўлишди. Ушбу қарор яқинда амалга оширилган террорчилик ҳаракатини текшириш натижасида қабул қилинди. Бинобарин, ушбу террорчилик ҳаракатида етти киши ҳалок бўлди. Ўша кунларда Қозонжиқ (Туркманистоннинг ғарби) ҳарбий қисмида тўрт аскар ва бир лейтенант бешта автомат, 20 та тўппонча, 700 та патрон ва 3 та бронежеллетни ўғирлаб кетиб, қисмни тарк этишди. Йўлларида дуч келган бир ҳайдовчи ва йўловчини отиб ташлашди ҳамда яқин қишлоқдаги етти кишини гаровга ушлаб кетишди. Уларни қутқариш бўйича амалга оширилган операцияда тўрт жиноятчи ўлдирилди. Битта полициячи ҳам ҳалок бўлди.

Президентнинг Фармонига биноан мудофаа вазири этиб ички ишлар вазири вазифасини бажариб турган Қурбон Қосимов тайинланди. Ички ишлар вазири этиб Поран Бердиев тайинланди. У аввал ушбу идора раҳбарининг ўринбосари лавозимида ишларди. Полк қўмондони эса қуролли кучлар сафидан, ҳамма унвонларидан жудо қилинган ҳолда қувилди. У ва Қозонжиқ ҳарбий қисмининг қатор ҳарбий хизматчиларини ҳам ҳарбий трибунал кутмоқда.

Дунё бозорига йўл

янги транспорт коммуникациялари Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш имконини беради...

Бугунги кунда дунё бозорига чиқиш масаласи янги мустақил давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, халқаро алоқаларни кенгайтириш йўли — мамлакатимиз учун тараққиёт йўлига айланмоқда.

Маълумки, қадим замонларда ҳам Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўли Ўзбекистон орқали ўтган. Бу юртда катта-катта савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар кенг ривожланган. Бугунга келиб Европа ва Осиёни бир-бирига боғлайдиган йўллар шу ерда кесишаётгани, янгидан тикланаётгани қувонарлидир. Бунинг учун темир йўл, автомобиль йўли, ҳаво йўли каби коммуникация тармоқлари барпо этилмоқда. Шарқу Ғарбга, Шимолу Жанубга чиқишга ҳаракат қилинмоқда. Олдимизда бир эмас тўрт дарвоза очилмоқда. Хитой орқали Шарққа, Туркманистон, Эрон ва Туркия орқали Европага — Ғарбга чиқишга имкон туғилмоқда.

ТРАСЕКА дастури айнан Европа — Кавказ — Осиё транспорт тармоғини ривожлантиришга қаратилгандир. Бу Буюк Ипак йўлининг қайта тикланишидир. Ўзбекистон бугунга келиб бу дастурни рўёбга чиқариш йўлида куч-ғайратини аямаяпти ва аниқ дастурлар асосида иш олиб бормоқда.

Йўлбошчимиз яқинда Бокуда ўтказилган Буюк Ипак йўлини тиклаш бўйича Халқаро конференцияда сўзлаган нутқларида ТРАСЕКА дастурини амалга ошириш Ўзбекистон учун ҳаётий эҳтиёж эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, бу йўл қарийб 2000 йилдан ортиқ вақт мобайнида Шарқ билан Ғарбни савдо-иқтисодий ришталари билан боғлади. Бугун бу йўлни қайта тиклаш нафақат Ўзбекистон учун, балки тамаддуний дунёда тараққиётни истаган барча давлатлар учун ҳаётий заруратдир. Ҳозирги иқтисодий ривожланиш талаблари ҳам шуни тақозо этмоқда. Зеро, дунё миқёсида интеграциялашув жараёнлари тезлаштирилган бир даврда Буюк Ипак йўлини янгича тарзда тиклаш ташаббуси табиий ҳолдир.

Минтақада ривожланган транспорт тизимини барпо этиш нақадар муҳимлигини эътиборга олиб, иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО)га аъзо мамлакатлар бундан икки йил аввал Тажан — Сарахс — Машҳад темир йўл қурилишини бошлаган эдилар. Маълумки, бу темир йўл Пекинни Истанбул билан туташтирадиган Транс Осиё магистралининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу йўл тўлиқ ишга туширилса, юк ташиш ҳажми икки баравар ортиб, 6-8 миллион тоннагача етади. Ўз-ўзидан мазкур транспорт йўли орқали муттасил ҳаракатнинг йўлга қўйилиши Ўзбекистоннинг ҳам Осиё — Тинч океани мамлакатлари билан ташқи савдо иқтисодий алоқаларининг ривожланишига омил яратади.

Ҳозир Хитойнинг шарқий вилоятлари билан Фарғона водийсини боғлайдиган йўлни қуриш ва унинг мавжуд қисмларини таъмирлаш изчил олиб бориляпти. Тошкент — Андижон — Ўш — Қашқар шаҳарларидан ўтадиган мазкур транспорт йўналиши Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитойни транспорт коммуникациялари билан боғлабгина қолмай, у Европани улкан Тинч океани ва Жанубий Шарқий Осиё минтақалари билан боғлайдиган энг мақбул ва энг яқин йўлга айланади.

1996 йилнинг 13 майида Ўзбекистон, Озарбойжон, Грузия ва Туркманистон ўртасида транспорт фаолиятини мувофиқлаштириш, яъни Транс-Кавказ коммуникация йўлагини барпо этиш ҳақидаги битим имзоланиб, «Тошкент — Красноводск — Боку — Поти» йўналишида транспорт қатнови йўлга қўйилганди. Бу йўл орқали ўша йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистон 140 минг тонна экспорт-импорт юклари келтириб-чиқарган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 285 минг тоннани ташкил этди. Шу йилнинг саккиз ойида 240 минг тонна юк ташиб келтирилди ва четга чиқарилди. ТрансКавказ йўлининг ишга туширилиши бир томондан транспорт сарф-харажатларини камайтирган бўлса, иккинчи томондан эса узоқ масофани яқин қилди. Дейлик, Ўзбекистон шу йўл орқали пахта ташишда 12 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни тежаб қолди. Зотан, шимол томон орқали юк ташиш нархлари бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда қўшни давлатларда «божхона тарифлари»нинг оширилиши туфайли қимматлашиб кетганди. Масалан, агар таққослайдиган бўлсак, пахтани Украина бандаргоҳларига Қозоғистон ва Россия орқали чиқарилганда бир тоннаси учун 100 доллар тўлашга тўғри келган. Ҳозир ТРАСЕКА йўналиши бўйича бу юкни ташиш қарийб 55 долларга тенг келаяпти. Бу ҳар тонна юкдан 45 доллар иқтисод қилиб қолинаяпти, дегани. Шу йилнинг 9 сентябрида Бокуда ўтказилган «Буюк Ипак йўлини тиклаш» бўйича Халқаро конференцияда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ТрансКавказ йўлининг минтақа давлатлари учун ҳаётий аҳамияти ҳақида тўхталар экан, конференция қатнашчилари эътиборини ТРАСЕКА лойиҳасининг бир қатор муҳим жиҳатларига қаратдилар. Биринчидан, ТРАСЕКА лойиҳасининг амалга оширилиши денгиз йўлига эга бўлмаган мамлакатлар қаршисида ТрансЕвропа ва ТрансОсиё транспорт тармоқлари билан боғланиш учун муқобил ва барқарор имконият, энг муҳими янги истиқболлар очади.

Иккинчидан, мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Кавказорти ва Марказий Осиё минтақасида ўз таъсирини кучайишини истайдиган Европа давлатлари учун ҳам бирдек манфаатли эканлиги аниқ.

Учинчидан, Ўзбекистон ўз ҳамкорлари билан Буюк Ипак йўлини Шарққа қараб кенгайтириш борасидаги ишларини давом эттирмоқда. Биз бу ерда юқорида тилга олганимиз — Ўзбекистон — Қирғизистон ва Хитойни боғловчи ундан Тинч океани ҳамда Жанубий-Шарқий Осиё минтақаларига чиқувчи транспорт коммуникациялари ҳақида фикр юритмоқдамиз. Бу йўл келажакда Шарқни Ғарб билан боғлайдиган энг яқин йўлга айланади.

Тўртинчидан, Буюк Ипак йўлининг қайта тикланиши шу йўналишдаги мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилади.

Бешинчидан, бундай оламшумул лойиҳанинг амалга оширилиши — миллатлараро ва давлатлараро муаммоларни ҳал этишнинг яна бир самарали йўлидир.

Мамлакатимиз раҳбари Европа мамлакатларини Марказий Осиё умуман, Осиё минтақаси билан боғлайдиган, яъни аввало ўзининг тежамкорлиги ва самарадорлиги билан эътиборни тортиши лозим бўлган муқобил транспорт коммуникацияларидан бирига айланадиган кўприк эканини унутмаслик лозимлигини ҳам уқтириб ўтдилар. Дарҳақиқат, юқорида биз тилга олган транспорт коммуникацияларининг барчаси биз учун муқобил транспорт йўллари ҳисобланиб, масофанинг узунқисқалиги, юк чиқаришкелтириш, сақлаш таърифларига ҳақ тўлаш ва ҳаракат хавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон уларнинг ҳар биридан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Умуман олганда қитъалараро транспорт магистралларининг вужудга келтирилиши — дунёга «тўрт дарвоза» очилиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувига хизмат қилади, уни дунё бозорига тенг ҳамкор сифатида чиқишини ва пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг янада ривожланишини таъминлайди.

Азимжон ЖЎРАЕВ,
иқтисод фанлари номзоди

Элчи қабул қилинди

ХДП хабари

Шу йилнинг 17 сентябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Корея Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Ким Тхэ Сам, унинг илтимосига кўра, қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов Ўзбекистон ХДПнинг таркиби, тузилмаси, партиянинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўрни, унинг, республика Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида юртимизда амалга оширилаётган, туб ислоҳотларни амалга оширишдаги иштироки тўғрисида сўзлаб берди.

Меҳмон Корея Халқ Демократик Республикасида Ўзбекистоннинг ўз миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида эришаётган ютуқларига ҳамда бу ердаги янги жамият қурилишига қаратилган саъйи ҳаракатларга катта қизиқиш мавжудлигини қайд этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ҳам маърифат, ҳам рағбат

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят ва шаҳар кенгашларининг мажлислар залида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш — тараққиёт омили» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ушбу конференцияни Тошкент вилоят партия кенгашининг биринчи котиби С. Аъзамов кириш сўзи билан очди. Ҳуқуқий-маърифий тарғибот маркази директори З. Исломов, вилоят ҳокими муовини С. Хўжаева ва бошқаларнинг маърузалари баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Анжуман сўнгида ўтган йил «Ўзбекистон овози» ҳамда «Голос Узбекистана» газеталарига обуна ишларини уюштиришда жонбозлик кўрсатган партия фаолларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Соҳиб САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Қалби қуёшлар

Ўқитувчи қалбини қуёшга қиёсласак бўлади. Қуёш ўз ҳарорати билан бутун борлиқни баҳраманд этса, ўқитувчи узоқ йиллар давомида тўплаган билим ва тажрибаси билан ёш авлод шуурига зиё олиб киради. Ирмоқлардан дарё ҳосил бўлганидек, ўқитувчининг билим чашмасидан ҳамма соҳанинг ажойиб инсонлари етишиб чиқади.

Лилия Раҳимовна Алиева (суратдаги) ана шундай қалби қуёш ўқитувчилардан бири. У раҳбарлик қилаётган Тошкент шаҳридаги 17-лингвистик махсус гимназиянинг аҳил ва ишчан жамоаси ўқув-тарбия ишларини юқори савияда бўлиши учун бутун куч ва билимларини сарфламоқдалар. Мактабда мунтазам равишда фан ҳафталиклари, адабий кечалар, конференциялар, танлов, республика, шаҳар, туман миқёсида турли фанлардан семинарлар ўтказилиб турилади. Бу ўтказилган тадбирлар ўқувчилар билимини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мактабда хорижий тиллар, айниқса, инглиз тили чуқур ўргатилади. Шунинг учун ҳам бу ерда шаҳарнинг турли туманларидан келган болалар биринчи синфгаёқ танлов асосида қабул қилинади.

Бир неча йиллардан бери мактаб ўқувчилари АҚШнинг Майями, Сиэтл шаҳарларидаги тенгдошлари билан дўстлик алоқаларини ўрнатишган. Ўзаро ўқувчилар алмашиш йўлга қўйилган.

Ватанимиз хизматига лойиқ ва фидойи инсонларни тарбиялаш савобли иш. Инсон учун халқ олқишидан, халқ дуосидан ортиқ бахт бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг ҳурмати беқиёс, меҳнати ардоқлидир.

Биз Лилия Алиевани ва унинг сиймосида барча ўқитувчиларимизни яқинлашиб келаётган касб байрамлари билан чин дилдан табриклаймиз.

Хотира ТОШХЎЖАЕВА





ДУНЁ ДАРЧАСИ

КЕЧА, БУГУН, КЕЛАЖАК



Афғонистон воқеаларига доир

БМТ котибиятида Афғонистоннинг шимолий туманларига вакиллар жўнатиш режаси ишлаб чиқилмоқда. Айниқса, толиблар томонидан саккиз эронлик дипломат ва журналистнинг ўлдирилиши бунга туртки бўлди. БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг расмий вакили Фред Экхард БМТ расмий вакилларининг толиблар вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтади, деди.

* * *

Шимолий иттифоқ бирлашган қўшинлари бош қўмондони Аҳмад Шоҳ Масъуд Кобулни ёлланма аскарлардан озод этишга қасамёд қилди. У ўз тарафдорлари ҳузурида нутқ сўзлаб, маҳаллий аҳоли билан биргаликда толибларга қарши курашиб, улар устидан ғалаба қозонмоқчи эканлигини айтди. Толибларни Покистон қўллаб-қувватлаб турган бўлса-да, мен уларга қарши уруш эълон қиламан, деди у. Масъуднинг сўзларига қараганда, бутун миллат унинг «Шўрои назар» ҳаракатидан катта ғалабалар кутмоқда.

* * *

Оятулло Али Хумайний мамлакат қуролли кучларига, толибларга қарши ҳал қилувчи ҳаракатларга тайёр бўлиб туришни буюрди. Эрон қуролли кучларининг бош қўмондони ҳисобланмиш Ҳумайний Эроннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида сиёсий раҳбарликнинг буйруғини кутишга уларни чорлади. Эрон ўз хавфсизлигини таъминлаши керак, шунингдек Афғонистон халқига инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашиши зарур, деди у. Афғонистон чегарасига эса қўшимча Эрон жангчилари келтириб қўйилмоқда. Толибонлар агар эронликлар Афғонистонга бостириб кирадиган бўлса, жавоб зарбалари беришга тайёр эканликларини билдиришди.

* * *

Покистон ҳукумати Афғонистон билан ўз чегараларини номаълум муддатга ёпиб қўйди. 2200 километрлик бутун чегара бўйлаб қўшимча назорат ўтказиш пунктлари жорий этилмоқда. Эрон қўшинларининг 23 сентябрга мўлжалланган йирик йўналишдаги машқлари урушга айланиб кетиши мумкин, деб хавфсирашмоқда Покистон раҳбарлари.

Миллий тотувликка ишонч

Тожикистондаги миллий тотувлик бўйича комиссия раиси республикада тинчлик жараёнини давом эттириш учун барча шароитлар муҳайё эканлигини айтди. У айниқса, мамлакат Президенти Имомали Раҳмоновнинг тинчлик жараёнини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатларини таъкидлаб ўтиб, муаммоли масалаларни ҳал қилишда аҳиллик билан ёндашиш зарурлигини таъкидлади. Бизда жамиятни демократлаштириш йўлида овозлар ҳар хиллиги бор, бироқ биз бу масалаларни тезкор ҳал қилишга интилмаймиз, чунки навбатдаги баҳслашувларга йўл қўйишнинг фойдаси йўқ, деди Саид Абдулло Нурий.

Бош вазир ишонтирди

Россия ҳукуматининг Бош вазири Евгений Примаков халқаро валюта жамғармаси ва умумжаҳон банки вакилларини ишонтириб айтдики, Россия халқаро заёмлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга тайёр. Примаковнинг айтишича, Россия бозор ислоҳотларини давом эттираверади, бироқ бунда аҳолига ҳам ижтимоий кафолат яратилади.

Ўзбекни тан олдирганлар

22-27 сентябрь кунлари мамлакатимизда илк бор халқаро симфоник мусиқа фестивали ўтказилади

«Сўғдиёна» — ўзбек халқ чолғулари камер оркестри 1991 йил 5 сентябрда ташкил этилган.

Бадиий раҳбари ва дирижёри Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Феруза Абдураҳимова.

Камер оркестрни ўқиб, дарров хаёлингизга виолончелнинг ғалати чийиллаши, ударникнинг депсиниб ер тепиниши, скрипканинг беўхшов ноласи келган бўлса, ажаб эмас. Аммо «Сўғдиёна» бутунлай ўзбекона, яъни қашқар рубоб, доира, ғижжак, дутор, уд каби чолғулардан тузилган ансамбль. Халқимиз азалдан санъатсевар. Хоразмликнинг эшигини тақиллатсангиз, қизлари уйидан ўйнаб чиқади, водийликнинг уйида ҳамиша куй-қўшиқ янграши, воҳанинг ҳар бир хонадонида дўмбира осиғлиқ туриши одатий ҳол. Ўзбек йиғисини ҳам, кулгусини ҳам қўшиққа солади, ўланлар, айтишувлар, ёр-ёрлар, бўзловлар шундан.



«Сўғдиёна» ташкил этилганда унинг интилишлари, мақсади дунё харитасида Ўзбекистон деган юрт борлигини, унинг меҳридарё, қалби қайноқ халқининг қадимий маданияти, санъати ҳар қандай ривожланган давлатларнинг маданият, санъатидан устун бўлса устундирки, қолишмаслигини жаҳонга танитиш бўлди.

— Биз Германияга борганимизда, бизни синаш учунми, немис оркестри билан биргаликда нотага қараб бир немисча куйни чалишимизни сўрашди. Биз улар ўйлагандан кўра юксакроқ чалдик. Сўнгра бизлар ҳам ўз дастуримиздаги бир мақом қўшиғининг нотасини уларга бериб биргаликда чалинглар дедик, чалиша олмади, — дейди Феруза Абдураҳимова ғурур билан.

Шу-шу немислар ўзларининг мусиқий табдирларига «Сўғдиёна»ни чорлаб турадиган бўлишибди. Бу ҳам ўзбекка тан бергани бўлса керак. Ўзбекистон ва Германия ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги 1995 йилда тузилган шартномага асосан ансамбль уч давлат: Франция, Германия ва Ўзбекистон ёшларининг биринчи йиғини иштирокчиси бўлди. Германияда ўтказилган мазкур мусиқа байрами сўнггида «Сўғдиёна»нинг ижрочилик маҳорати жуда юксак эканлиги таъкидланди.

— Биласизми, уд — чолғу асбоби, асосан, Шарқ халқларининки, араб ҳам, эрон ҳам, афғон ҳам барча-барчаси фойдаланади бу асбобдан. Лекин ҳеч бири ўзбекларда ҳам мавжуд эканлигини, миллий асбоблар қаторида эъзозланишини хаёлига келтиришмайди. Араб халқларининг IX фестивалига бизларни ҳам таклиф этишди. Мисрга бордик. Биз ижро этган куйлар томошабинларга шу қадар манзур бўлдики, ҳатто араблар қолиб бизни саҳнага чақиришаверди. Мусиқашунослари орасида: уд чалишни қойиллатар экансизлар, дейишлар ҳам бўлди. Удни улар бизчалик қойиллатиб чалолмасликларини тан олишди.

Ҳа, «Сўғдиёна» ниятига етди, ўзбек давлатини, мамлакатини, ўлкасини, санъатини, мусиқасини дунёга танитаман деганди, мана танита бошлади, ҳатто тан олдирмоқда. Шу кунгача ансамбль Австрия, Голландия, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Покистон, Португалия, АҚШ, Япония каби мамлакатларда намунали концертлар намойиш этишди.

«Сўғдиёна» етти ёшда, мустақиллик билан тенгдош. Истиқлол Ўзбекистонни дунёга танитган бўлса, «Сўғдиёна» унинг санъатини дунёга ёймоқда.

— 1996 йилда XXX халқаро мусиқа фестивалида қатнашиш учун Испанияга боргандик. У ерда фестивал лауреати ҳамда юқори ижрочилик маҳоратига эга халқаро сертификатини олишга муваффақ бўлдик. Бизни ўз ҳомийлигига олган, кийим-кечак, чолғу асбоблари олиб берган ишбилармон Тоймурод Юнусметовга, чет эл гастролларимизни моддий маблағ билан таъминлаган «Зарафшон-Ньюмонт» — Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси, «Сикм» — Ўзбекистон — Франция фирмаси, «Ўзэлектроаппарат» корхонаси раҳбариятига ташаккуримни билдираман, — дейди Феруза опа.

Аму Сирдек бағри дарё халқмиз, нинанинг учидек қилинган яхшиликни қалбимизда ардоқлаб яшаймиз. Ота-боболаримиз ҳам яхшидан от қолади, дея умрини яхшиликка бағишлаб яшашган. Чунки, халқимиз яхшиликни то абад хотирасида сақлашини билишган. Биз сўзимиз ниҳоясида «Сўғдиёна»га, унинг раҳбари Феруза Абдураҳимовага юксак чўққиларни забт этишида улкан муваффақиятлар тилаймиз. Илло, элини суйган элда кам бўлмайди.

Юсуф ЖЎРАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Журналист текшируви

Ҳадиги бор чўпдан чўчийди

1

Бир куни бошлиқ ўз ходимини чақирибди:

— Қани, Болтабой, айт-чи, тепадан туриб танқид қилиш нима-ю, пастдан туриб танқид қилиш нима? — дебди.

Болтабой елкасини қисибди.

— Агар билмасанг, ҳў анави, пастдаги зинага тушиб тургин, ҳозир мен сенга тушунтираман, — дебди бошлиқ.

Болтабой, бошлиқ айтгандай, биринчи қаватдаги зинага келиб турибди.

Бошлиқ Болтабойнинг юзини мўлжаллаб шунақа тупурибдики, унинг тупуги тўғри Болтабойнинг башарасига келиб тушибди.

Шунда бошлиқ осмонга қўлини бигиз қилиб: буни тепадан туриб танқид қилиш, дейдилар дебди.

— Қани, энди сен ҳам менга тупуриб кўр-чи?

Жаҳли чиққан Болтабой ҳозир сени ҳам бир боплаб қўяй, деган хаёл билан бошлиққа қараб тупурибди, аммо унинг тупуги яна ўзининг башарасига қайтиб тушибди.

Бошлиқ хандон отиб, буни пастдан туриб танқид қилиш дейдилар, дебди.

Ҳурматли муштарий, бу латифани биз бежиз келтирмадик. Чунки, бундай ҳангомалар ҳаётимизда онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Ишонмайсизми? Унда эшитинг!

Пойтахтимиздаги «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли «Сифат-исбот» ҳиссадорлик жамияти раиси Александр Усеинов билан унинг қўл остидаги ишчиси Акмал Нажмиддинов ўртасида кўпдан буён давом этиб келаётган муносабат юқорида келтирилган латифага жуда монанддир. Сабаби, Акмал ўзининг раҳбари А.Усеинов устидан корпорацияга, шаҳар прокуратурасига ва бошқа юқори ташкилотларга арз қилди. Аммо, ҳар гал шикоят қилганда, калтак айланиб келиб ўзининг бошида синаверди.

Яқинда у таҳририятимизга ҳам мурожаат қилди. Унинг шикоят хатида таъкидланишича, «Сифат-исбот» ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари А. Усеинов ва унинг ўринбосари А. Гребенщиков хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, ўзларининг турар-жойлари бўлишига қарамай, корхона ҳисобидан қурилган уйларни арзон-гаровга ўзлаштириб олганлар. Унга ўхшаганлар эса 13-14 йилдан буён уйсиз юрибди. Бу ҳам етмаганидек, корхонанинг ўндан ортиқ техника воситалари хуфиёна пуллаб юборилган.

Дарҳақиқат, хатда қайд этилганидек, «Сифат-исбот» ҳиссадорлик жамияти юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртмасига асосан, аниқроғи, қўшган улушига қараб, турар-жой қуриб бериш билан шуғулланди. Мазкур корхона жамоаси 1992 йили пойтахтимизнинг Миробод туманида 38 хонадонли турар-жой биносини фойдаланишга топширган эди.

Хўш, мазкур уй-жой кимларга насиб этди? Айтиш лозимки, 1992 йили Миробод туманининг Павлова кўчасида ғиштдан қурилган 1-уйнинг 37 та хонадони юридик шахсларга ва битта уч хонали квартирани эса жисмоний шахслардан, ўша пайтда корхона раҳбари бўлиб ишлаган, айни пайтда раҳбар муовини вазифасини бажараётган А.Гребеншиков сотиб олди. Ва, у ўз навбатида мазкур уйни хотинининг номига ўтказган.

2

Хўш, А.Гребеншиков ўша пайтда раҳбар сифатида ўзининг жамоаси қурган уйдан сотиб олишга ҳаққи бормиди? Умуман у уй-жойга муҳтожмиди? Ваҳоланки, ана шу йиллар корхонада 20 дан ортиқ киши уй-жой олиш учун навбатга турарди. Бунинг устига А. Гребеншиковга бундан икки йил аввал, аниқроғи 1990 йил Ленин тумани ижроия қўмитаси томонидан уч хонали квартира берилган. А. Гребеншиковнинг изоҳ беришича, корхона низомида уй-жой қурилишига ўзининг улушини қўшган ҳар қандай киши уй-жой олишга ҳаққи бор дейилган дейди. Бундоқ қараганда, собиқ раҳбар ҳақдек, ҳамма ишлар рисоладагидек тушолади. Аммо шу ўринда А. Гребеншиковдан ташқари 20 дан ортиқ уй-жойга муҳтожлар орасидан наҳотки биронта киши янги қурилаётган уйга ўз улушини қўшадиган киши топилмаган бўлса, деган савол туғилади. Корхона ишчилари билан бўлган суҳбатда шу нарса аён бўлдики, бу борада ҳеч ким огоҳлантирилмаган ва уларга тамомила бошқача тушунтириш берилган. Бундан кўриниб турибдики, А.Гребеншиков фақат раҳбарлар манфаатига хизмат қиладиган корхона низомидан устамонлик билан фойдаланган.

Яна бир гап. Яқинда Яккасарой туманидаги Баранова кўчасида жаҳон андозасига жавоб берадиган 46 хонадонли, ҳашаматли турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу уй-жойни барпо этишда шаҳар ҳокимияти 34 та квартира учун ўз улушини қўшган. Қолган 12 таси корхона ҳисобидан барпо этилган. Шундан учта хонадонни эгаллаб турган жойи учун шаҳар ҳокимиятига натура шаклида тўлаган.

Хўш қолган тўққизта квартира кимларга сотилди? Айтиш лозимки, мазкур квартираларнинг ҳар бири бугунги кунда қарийб саккиз миллион сўм атрофида туради. Афсуски, ана шу саволимизга жавоб беришни сўраб, янги раҳбар А. Усеиновга мурожаат қилганимизда, бундай маълумотларни журналистларга бермаслигини, бу тижорат сири эканлигини ва бу масалада фақат прокуратурага ҳисобот беришлигини баён этди. Аммо, унча аниқ бўлмаган маълумотларга кўра, юқорида айтиб ўтилган қимматбаҳо уйларни катта мансабдор шахслар ўзлаштиргани ва шунингдек улар орасида А. Усеинов ва А. Гребеншиковлар ҳам борлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Агар тахминимиз нотўғри бўлганида бу борадаги маълумотларни биздан шу қадар сир тутишармиди. Шунингдек, бу саволимизга шаҳар статистика бош бошқармаси ва Яккасарой тумани ҳокимиятидаги мутасадди раҳбарлар ҳам бизга ҳеч иккиланмай жавоб берган бўларди. Бундан ташқари «иштони йўқ, чўпдан қўрқар» деганларидек, А.Усеинов мақоланинг газетада чиқишини олдини олиш мақсадида таҳририятга бир неча бор келиб, дўқ-пўписа қилганини қандай тушунмоқ керак!

3

Албатта, А.Нажмиддиновга уй-жой олиб бериш, бермаслик бу корхона маъмуриятининг ички иши. Аммо, инсонийлик жиҳатдан олиб қараганда, битта жамоада қарийб 15 йилдан буён меҳнат қилиб келаётган ходимга жуда бўлмаганда бир хоналик уй олиб бериш юқори самарадорлик билан ишлаётган корхонага унчалик оғирлик қилмаса керак. Шу йилнинг бошида корхона маъмурияти хизмат машинаси сифатида фойдаланиш учун ўтган йилдан олинган фойда ҳисобига иккита «Нексия» машинаси харид қилди. Яна иккита ана шундай хизмат машинаси харид қилишга кузатув кенгашининг қарори қабул қилинди. Хўш, қўл остида ишлайдиган ишчиларнинг бир қисми уй-жойга муҳтож бўлиб турган бир шароитда, не машаққатлар билан топилган маблағларни ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш йўлига эмас аксинча раҳбарлар манфаатига йўналтиравериш шартмикин?

Яқинда мақола тайёр бўлиш олдидан мазкур корхона раҳбари А.Усеинов олдимга шикоятчи А.Нажмиддиновни ишдан бўшатиш тўғрисида ўнга яқин ишчиларнинг «розилик» бериб қўл қўйган аризасини кўтариб келди. Мен айнан ана шу кишилар билан суҳбатлашдим. Бригада бошлиқлари Мақсум Шафиқов, Б.Тишенко, участка бошлиғи Виктор Ивкин ва ишчи Шомурод Худойберганов лар Акмал Нажмиддиновнинг доимо ишда хомуш, тушкунликка тушиб юрганлигини ҳисобламаганда, топшириқларни вақтида бажаришлигини ва ҳулқи ёмон эмаслигини таъкидлашди. Унда А. Нажмиддиновни нега ишдан ҳайдаш тўғрисидаги аризага қўл қўйдингизлар, дейман Шомурод Худойберганов.

— Бошлиғимиз (А.Усеинов демоқчи) келиб бу йил олган акциянг учун дивиденд олишни истайсанми ёки дивидендларингни Нажмиддиновнинг уй олишига сарфлашимизни хоҳлайсанми деди. Албатта, мен дивиденд олишимни айтдим. «Унда мана шу аризага қўл қўй», деди. Қўл қўйдим.

4

Дарвоқе, шикоят эгаси Акмал билан танишувимиз қизиқ кечди. Ҳамкасблари айтгандай, оғир-босиқ йигит экан. Ҳали у билан танишиб улгурмасимизданоқ, Александр Усеинов сўзимизни шартта кесиб: «Акмал, агар уй оламан десанг, ҳозир ҳокимиятга борамиз. Шартнома тузамиз. Пулини банкка бориб тўлайсан. Фақат мени тинч қўй», — деди.

— Пулим бўлганда, турли идораларга бош суқиб юрмаган бўлардим, — дейди Акмал босиқлик билан.

— Пулинг бўлмаса, фалонимга мени овора қиласанми, ҳамма жойдан одам чақириб, текширтекшир ўтказиб, — дейди Усеинов қизишиб.

Ана шу лаҳзадаги раҳбар билан ишчи ўртасидаги даҳанаки жангни, бўралатиб сўкишларни кўрсангиз эди, уни ёзсанг қоғоз ҳам қора бўлиб кетса керак деганг хаёлга борасан. Яна Усеиновнинг қўлини мушт қилиб, — эҳ, агар мухбир бўлмаганда шунақа сен билан хуморим чиққунча «гаплашардим» дея тутоққанлигини кўриб, рости заррача раҳбарлик салоҳияти, маданияти бўлмаган ва ўз қўл остидагилар билан худди даканг хўрозга ўхшаб чўқишиб кетишини кўриб, унинг катта бир жамоага қандай қилиб раҳбар бўлиб қолганлигига ачиндим.

Корхона маъмурияти ўтган 1991-92 йиллар тасарруфидаги ўндан зиёд автомобиллар, қурилишда ишлатиладиган техникаларни, айни пайтда фаолият кўрсатмаётган «Скиф» масъулияти чекланган жамиятга сотган. Хўш, корхона маъмуриятини қурилишга сув билан ҳаводек зарур бўлган техникаларни аллақаердаги, номаълум ташкилотга пуллаб юборишга нима мажбур этди? Корхона раҳбари А. Усеновнинг эътироф этишича, ўша пайтда транспорт учун таъмирлаш устахоналарининг йўқлиги ва корхонанинг молиявий аҳволи бир мунча қийинлашганлиги боис ана шундай ишга қўл урилган.

Хўш, аслида шундай эдими? Ахир аҳвол ҳақиқатан ҳам раис айтганчалик бўлса, нега А. Усеинов 1992 йилдаги корхонанинг балансини бизга кўрсатишдан бош тортди? Мен бу ҳужжатларни фақат прокуратурага кўрсатаман ва уларни юқори орган сифатида тан оламан, деди. Шунинг учун мендан бундай ҳужжатларни олишни хаёлларингга ҳам келмасин, овора ҳам бўлманг. Ёки газетага мени ёмонлаб ёзганларинг билан қамаб қўйишармиди? Агар қўлларингдан келса, қамаб қўйинглар, деди у жазавага тушиб. Шунда мен у билан мулоқот қилиш бефойдалигини англадим.

Шу боисдан юқорида келтирилган хат юзасидан ўтказдирилган журналистик текширувимиз давомида бизни қизиқтирган кўпгина саволлар корхона раҳбарининг кўрслиги, бетга чопарлиги туфайли жавобсиз қолди.

Ўйлаймизки, журналистларни оёғи билан кўрсатиб, фақат ҳуқуқ органларига ҳисобот берадиган бу раҳбарнинг иш фолияти ҳусусида мутасадди раҳбарлар таҳририятимизга жавоб беришади. Биз шунда бу мавзуга яна қайтамиз.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Гирдибод жавлон урган чўлларда

Саид АҲМАД



Саратон авжи жазавага тушган кунлар. Офтоб нафасидан қизиган тошлар этикнинг таг чармидан ўтиб оёқни куйдиради. Олган нафасинг бўғзингдан ўтолмай энтиктиради.

Ҳали у ерда, ҳали бу ерда пайдо бўлган гирдибод хас-хашакларни юлиб-юлқиб осмони фалакка олиб чиқади, кейин ўтли нафаси билан чўл устига пуркаб юборади.

Шўртан йўлидаги От қудуқ қишлоғининг товуқлари бу кезларда пишган тухум туғади, деса муболаға бўлмас.

Офтоб тиғида қайноқ нафас ютиб юраверасиз, юраверасиз... Кўзни қувонтирадиган на бир гиёҳ, на тўрттагина барг ёзган дарахт кўринади.

Нишон адирларида бир дам салқинлаб нафас ростлагани ўтадиган турналар бу жойдан худди мотори қизиб кетган самолётдек нотекис учадилар. Чўл сатҳидан кўтарилаётган қайноқ ҳаво қанотларига урилади. Ана шунинг учун ҳам турналар бу кезларда Шўртан устидан тунда ўтадилар.

Саксонинчи йилларда бу томонларга кўп келардим. Қадим карвон йўлларида ёлғиз кезишни яхши кўрардим. Адирларга булутдек ёпирилган сонсиз қоракўл сурувларига ажиб бир ҳайрат билан боқардим. Бир вақтлар шовқин-суронга тўлган, қўли гул ҳунармандлари жаҳонга машҳур бўлган Касби шаҳрининг харобаларига боқиб ўйга толардим.

Ўзида ҳаёт сувини тўплаган сардобалар томон келаётган карвон қўнғироқларининг товуши қулоғимга эшитилаётгандек бўлади. Сардоба атрофига ҳорғин чўккан туяларнинг бағрини қизиган тупроққа бериб мудрашини кўраман.

Бу ялангоч чўллардан кимлар ўтмади. Қилич ялангочлаб Искандар ўтди, Қутайба отининг туёғи заҳм қилган чўл яраси асрлар қатлами тагида қолиб кетди. Мустабид ўрис қўшинлари судраб ўтган замбарак ғилдиракларининг изи аллақачон ўчиб кетган.

Бу бий далаларда фақат кўнглига буюк ниятлар туккан ўғлон Амир Темургина эл ризқини ўйлаб, шу эл учун қайда макон қурсам экан дея от устида турфа хаёллар билан кезди.

Минг хил хаёлларга чўмиб Улуғбек Мирзо тиниқ бегубор осмонда чақнаган юлдузларга боқиб чўл сўқмоқларини фалакнинг сомон йўлига туташтирди. Ким билади, балки Навоий бобонинг кўнглидаги Хамса воқеалари шу чўлда туғилгандир.

Насаф чўлларидан кимлар ўтмади, кимлар қочмади, кимлар қувмади. Не бўлса ер бетида бўлди. Йўловчиларга оёғинг остига боқ, дейдиган бирон валломат топилмади.

Бир автоҳаваскор сифатида машина билан Бухородан Қаршига, Қаршидан Термизга кўп қатнаганман. Гоҳ Баҳористон йўлида, гоҳ Қоракўл йўлида енгил машина соясида ўй ўйлаб ўтирган эллик ёшлар чамаси бир кишини кўрардим. У термос қопқоғига чой қуйиб ичар ва нималарнидир ўйлаб олис-олисларга қарарди. Аввалига менга ўхшаган бирон хаёлпараст ёзувчинамо одам бўлса керак, деб ўйладим.

Саратоннинг сариқ кунида офтобда қоврилиб Шўртан кимё комбинати қурилиши томон кетяпман. Таниш йўллар. Бу йўлларда шағал юкланган машиналар тинимсиз ўтади. Олис пастликда шовқин солиб ишлаётган экскаваторларнинг азамат ҳовучларида шағал кўтарган темир тирсаклари бир кўриниб яна пастликда кўринмай қолади.

Чўл ҳавосида бегубор ниятлар туғилади, деб бежиз айтмаган эканлар.

Бульдозерларнинг овози тинди. Машиналар ҳам ўтмай қўйди. Демак қурувчилар тушликка чиқишди.

Икки азамат завод пойдевори ўрнида одамлар сийраклашиб қолди.

500 самосвални қатор қилиб қўйсанг худди охири кўринмас поезд составига ўхшар экан. Унинг орқасида минг киши яшайдиган вагон уйлар. Қанчалигини санаёлмадим. Ҳар уч вагон уй олдида водопровод қувуридан муздек сув шариллаб оқиб турибди.

Ҳозиргина тушликка чиққан шофёрлар чанг-тўзондан ранги билинмай кетган майкаларини ечиб, яғринларини муздек сувга тутадилар. Баъзилари бошидан пақирлаб сув қуяди. Яна бири резина ичак билан бошқаларга сув сепади. Шалаббо бўлиб кетган майкасини сиқиб, бошига салла қилиб олган йигит олдимда тўхтади.

— Бу ернинг одами эмассиз шекилли. Ундоқ десам саккиз юз ҳайдовчи, слесар, механик мамлакатимизнинг турли туманларидан келган. Сиз ҳам шулардан бири, деб ўйлабман. Агар шундоқ бўлса чўчиманг кўникиб кетасиз.

Мен ундан қаердан келганини сўрадим.

— Наманганнинг Чустидан келганман. 57-автобазада ишлайман. Исми шарифим Омонжон Каримов. Этилен заводи қурилиши пойдеворига шағал ташлаяпман. Биласизми, 20 километрга олти марта бориб келаман. 100 литр бензин сарфлайман. Бир кунда икки юз қирқ километр йўл босаман.

— Тирикчилик қанақа бўляпти? — деб сўрайман ундан.

— Ёмон эмас, уч маҳал текин овқат. Манаву икки юз киши бир йўла овқатланадиган ошхонани ишга туширишди. Кириб кўринг, ҳамма қулайликлари бор. Кунора қовунтарвуз олиб келишади. Олмами, узумми, шафтолими, дастурхонга тўкиб ташлайдилар.

— Ойлик қанақа? Қўлга қанча тегади?

У бошидаги ҳўл майкани яна сувга пишиб бошига ёпади.

— Ойлик етарли. Олти-етти минг оламиз. Овқат текин бўлса, мева-чева текин бўлса, пулни нимага ҳам сарфлардик. Бола-чақанинг ризқи деб ҳамённга урамиз.

— Наҳотки иш сиз айтгандек хамирдан қил суғургандек осон бўлса?

— Осон эмас. Бу жойларда қийинчиликка чидаган одам ишлайди. Баъзан ҳавонинг иссиқлиги эллик даражагача кўтарилади. Офтобда қизиган темирнинг иссиғи, тинимсиз ишлаб турган моторнинг иссиғи... Бунақа иссиққа унча-мунча полвон чидамайди. Лекин тинимсиз эсадиган шаббода иссиқнинг дамини кесиб туради. Айниқса қуёш ботишидан олдин бир ғалати ел эсади, таналаримизни бир зумда яйратиб юборади. Куни билан қизиган тошларни ана шу шаббода пуфлаб совутади. То эртаси офтоб олов пуркагунча ер ҳам, тош ҳам ором олади. Ҳеч қаерда чўл тунида эсган шамолдек танни яйратадиган шамол топилмайди. Келаётганда кўргандирсиз, этилен ва полиэтилен заводларининг пойдевори қазилаётган жойда тунда ҳам иш тўхтамайди. Тупроғи олиниб ернинг шағал қатлами очилгунча қазилган жойида моторлар бир зум тўхтамайди. Кучли прожекторлар ёруғида экскаваторчилар, бульдозерчилар, самосвал ҳайдовчилар туннинг сарин шаббодасида яйраб-яйраб ишлашади.

Суҳбатга Самарқанддан келган автослесар Ҳасан Багиров аралашди.

— Омонжоннинг гаплари чиппа чин. Мана шу пойдевор ўрнидан 450 минг кубометр тупроқ чиқазилиб ўрнига 25 минг кубометр шағал солинди. Американинг Эй-Би-Би фирмаси қилинаётган ишларни муттасил кузатиб турибди.

Бошлиғимизнинг ташаббуси билан ҳар ўн кунда яхши ишлаганларга мукофот жорий қилинди. Биринчи ўринни олган қурувчига беш минг сўм, иккинчи ўринга уч минг беш юз сўм, учинчи ўринга икки минг беш юз сўм бериляпти.

26-99 КФИ рақамли озиқ-овқат ташийдиган машина ошхона омбори эшиги олдида тўхтади. Ҳайдовчи Баҳром Ҳайдаров машинанинг орқа эшигини очди. Ҳаммаёқни иссиқ нон ҳиди тутиб кетди. 1200 буханка нон зум ўтмай туширириб олинди. Оқ докага ўралган, ҳозиргина қассоб қўлидан чиққан, ҳали қотиб улгурмаган гўшт елкама-елка кўтарилиб омборга олиб кирилди. Оз эмас, икки юз килограмм мол гўшти то кечгача тамом бўлади. Бош ошпаз Моҳижон Холмуродов 1000 кишига уч маҳал овқат тайёрлайди.

Овқатдан чиққанларнинг баъзилари машина соясига ёнбошлаб гурунг қурадилар. Баъзилари вагон уйларда бир дам чўзилиб ором ола бошладилар.

Икки юз вагон уйнинг ҳаммасида рангли, рангсиз телевизор. Кўпларида магнитафон бор. «Қаршиқурилиш» бошқармаси қурувчиларининг маиший аҳволини яхшилаш учун пулни аямайди. Бундоқ фидокорона меҳнат қилаётганларга ҳар қанча ғамхўрлик қилса арзийди. Тушлик тугаб ҳамма ўз машинаси томон йўл олди. Бир зумда сокин дам олган 150 гектарли қурилиш майдонини шовқинга тўлдириб моторларнинг гуриллаши, темир-терсакларнинг жаранглаши, қурувчиларнинг товушлари чўлни ларзага келтирди. Шағал карьери томон йўлга чиққан 500 машинанинг чўл сўқмоғида худди чумоли карвонидек боши-кети кўринмасди. Улар кўтарган тўзонларни шамол чўл бетига пуркаб ташлайди.

Шамол олиб кетолмаган тўзонлар гирдибод чангалига тушади, бураб-бураб осмонга бошини урмоқчидек жуда баландликларга чиқади, кейин ҳолдан тойиб осмонда тўзиб кетади. Қуёш бетини бир дам тўсгандек бўлади. Бундай пайтларда қуёш тўзон орасида худди қоғозга томган ёғдек сарғайиб кўринади. Шўртан чўлидан бир дунё таассуротлар билан қайтдим. Ҳали ҳам моторларнинг гуриллаши, темирларнинг жаранглаши қулоғимга эшитилиб турибди.

«Қаршиқурилиш» бошқармасидан раҳбарни тополмадим. У Муборакка кетган экан.

Ишим юришмаганидан ҳайрон бўлиб турган эдим қабулхонада телефон жиринглади. Котиба трубкани менга узатаркан:

— Сизни сўраяптилар, — деди у.

— Мен Муродовман. Учрашолмаганимиздан хижолатман. Кечқурун кўришайлик. Сизни бошқармамизнинг меҳмонхонасига оборишади. Янгиликлар кўп, ўша ерда бафуржа гаплашайлик.

Ўша оқшом аллапаллагача минг-минглаб чироқлар порлаган Қарши кўчаларини айландик. Бу юртдан ўтган ажойиб инсонларни бир-бир эсладик.

Буюк бобомиз Амир Темур қадами изи қолган бу кенгликларда бобомиз орзу қилган мустақиллик нафаси гуркираб турибди.

Афсус, ёзувчиларимиз Тошкентда ўтириб қолишган. Агар улар мамлакатимиз жамолини кўрмоқчи бўлсалар, озодлик ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олаётган ватандошларимизнинг чеҳраларига боқсалар, илҳомлари жўшиб кетишига ишонаман.

Дилда ҳаяжону кўнгилда бир дунё илҳом билан қайтаяпман. Насиб қилса кўрган манзараларим қоғозда ўз жамолини кўрсатади.

Шўртан — Қарши.



ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 21

«Ўзбекистон» телеканали

1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.40 «Таҳлилнома»
8.40 Лирик тароналар.
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.30 «Жаҳон спорти».
9.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.15 Жаҳон киноси юлдузлари.
10.35 «Сеҳрли най». Мульт-фильм.
10.45 Кундузги сеанс. «Регтайм». Бадиий фильм. 1-серия.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.35 «Сила». Тележурнал.
13.00 — 14.00 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қора қаср». Мульт-фильм премьераси.
18.30 «Дардингизни олай».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 Халқаро симфоник мусиқа фестивали.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Увайсий» фильм-концерт премьераси.
22.10 «Сиёсат оламида».
22.40 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун V халқаро турнирининг якунига доир.
23.10 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 43-кўй.
23.50 «Ахборот».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод».
18.15 Мультгомоша.
18.30 Кулгига нима етсин?
18.45 «Буюк юрт фарзандиман».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 «Сурур».
19.35, 20.25, 22.20 Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Жаҳон».
20.50 «Ёшлик наволари».
21.05 «Ўзбегим».
21.25 «Мусиқий коктейль». Араб эстрадаси.
21.40 «Нигоҳ».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.25 Синема. «Жейн хоним». 1—2-сериялар.
00.25 Спорт қитъаси.
00.55 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 Болалар учун «Эя ва унинг дўстлари хузурида».
18.30 «Санта— Барбара» Телесериал.
19.10 Телефакт.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дорихона» эшитади...
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Ҳудуд «М.» Ёшлар учун ахборот-дам олиш кўрсатуви.
22.10 Оҳанглар ва эълонлар.
22.20 Саргузашт фильмлар экрани.
23.45 Спорт-тайм.
00.15 «ТТВ мюзик».
00.30 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
00.35 «Дарвоқе...». Ҳажвий кўрсатув.
01.00 «Модерн токинг—98».
01.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ-IV

«Халқаро» телеканал

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Кўзмунчоқ».
Россия жамоат телевидениеси:
19.00 Душанба куни Познер билан. «Ниқобдаги киши» дастури.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Муҳаббат тарихи» Телесериал.
21.30 «Вақт хазинасидан».
21.50 «Мафтункор табиат». Ўрмончиликдаги ислоҳотлар.
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: «Флетч». Комедия (АҚШ).
24.00 «Сиз учун!».
00.25 «Шлягер».
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс: «Овчи». Триллер. Бош ролларда Мэдхен Эмик, Гарри Химлин (АҚШ).
02.35—02.40 Тунингиз осуда бўлсин!

СЕШАНБА 22

«Ўзбекистон» телеканали

1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Ёр ва диёр тароналари.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Қоядаги расмлар».
9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 43-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
10.25 Янги алифбони ўрганамиз.
10.55 «Созга солдим Алломишни».
11.25 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси. 49-серия.
11.40 «Талаб ва таклиф».
12.05 «Санъат олами».
12.25 Кундузги сеанс. «Регтайм». Бадиий фильм. 2-серия.
13.30—14.00 «Янги авлод».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Омад юлдузи». Телеўйин.
18.40 «Ҳаёт чашмалари».
19.00 «Сўнмас зиё». «Ўзкинохроника» премьераси.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бунёдкор».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Илҳом Фармонов куйлайди.
21.30 «Акс-садо».
22.05 «Узлигинг намоён қил». Экранда—Андижон вилояти.
22.40 Диққат, премьера. М.Бобоев «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 44-кўй.
23.25 «Дастурхон нонга тўлсин».
23.45 «Ахборот»
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод».
18.25 Мультгомоша.
18.40 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Солиқ ҳақида сабоқлар.
19.35, 20.25, 22.20 Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Газал соғинчи».
20.50 «Болаларга нигоҳ».
21.10 Ёшлар ва спорт.
21.25 «Мусиқий коктейль». Шарқ эстрадаси.
21.40 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун V халқаро турнири якунлари.
22.05 «Давр». Ахборот дастури.
22.25 Синема. «Авиаҳалло-кат келтирган хазиналар сари».
00.15 Спорт қитъаси.
00.45 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.20 Мусиқий лаҳза.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Дунёнинг бир бўлаги». Исроил.
22.05 «Голливуд юлдузлари».
22.25 «Бешинчи ўлчов».
22.45 «Молт ва фил». Мультсериал.
23.10 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 Кино, кино, кино.
01.10 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV

«Халқаро» телеканал

Россия жамоат телевидениеси
6.30— 8.00
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Менинг кўчам».
Россия жамоат телевидениеси:
19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.25 «5 дақиқа ҳангома».
21.30 «Касбга назар».
21.45 «Подиум».
22.00 «Вести».
22.35 Кинематограф «Флетч тирик». Комедия (АҚШ).
24.00 «Дурдаршан».
00.30 «Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...»
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс. Николас Кейдж «Қамоқ самолёти» фильмида (АҚШ).

ЧОРШАНБА 23

«Ўзбекистон» телеканали

1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Халқаро симфоник мусиқа фестивали.
8.50 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
9.05 «Мезон».
9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 44-кўй.
10.00, 12.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 «Озод ва обод юрт».
10.25 Алифбо сабоқлари.
10.55 Болалар учун. «Севимли созим».
11.15 «Акс-садо».
11.45 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси. 50-серия.
12.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.30 Кундузги сеанс: «Кўчатлар». Бадиий фильм.
14.10—14.30 «Муҳаббат дарси».

* * *

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Хоразм» «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.
18.50 «Уйку салтанати». Мультфильм.
19.00 «Хотира». Уллибиби Отаева.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Соз васфи». Мусиқий дастур.
21.50 Бурхониддин Марғилоний таваллуди олдидан «Ватанни севмоқ иймондандир».
22.20 «Кинонинг минг бир олами». Кинокўрсатув.
22.40 «Ойдин кечалар»:
«Билим ринг».
«Болалигим, сени соғиндим».
«Дийдор».
00.05 «Ахборот».
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод».
18.20 Мультгомоша.
18.35 «Спектаклдан сўнг».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 «Минг бир маслаҳат».
19.35 «Ракурс».
19.55 «Соссот» хабар қилади.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лаззат».
20.25, 22.55 Эълонлар.
20.30 «Ринг».
20.50 «Эркин фикр».
21.20 Ёшлар куйлайди.
21.45 «02» тўлқинида.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.20 Олмониядаги саёҳат.
22.40 Хит-коллекция.
23.00 Синема. «Кўёш хатари».
00.40 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 Мультфильм.
18.20 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.35 «Санта—Барбара». Телесериал.
19.20 Мусиқий лаҳза.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Мусиқа билан 10 дақиқа».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Менинг Тошкентим!» Муаллифлик кўрсатуви.
22.20 Эстрада тароналари.
22.40 «Кўзгу».
23.00 «Битлс» ҳақида» Ҳужжатли фильм. 1-қисм.
00.05 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
00.10 Оҳанглар ва эълонлар.
00.20 Видео—«О».
01.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ-IV

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00

*

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Телешифокор».
Россия жамоат телевидениеси:
19.10 «Инсон ва қонун».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.25 «5 дақиқа ҳангома».
21.30 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
21.45 «Шоҳсупа сари йўл».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 8—9-сериялар...
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс: «Тайёр қўйлак». Мелодрама. Бош ролларда Марчелло Мастрояни, Софи Лорен (Италия).
03.00—03.05 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА 24

«Ўзбекистон» телеканали

1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мозийдан садолар». Мусиқий дастур.
9.10 «Эртанги кунга ишонч».
9.35 «Ҳарбий мусиқа оркестри». «Ўзкинохроника».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Сиҳат-саломатлик почтасидан».
10.25 Болалар учун. «Умид учқунлари».
10.50 «Кафолат».
11.10 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси. 51-серия.
11.25 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
11.45 «Зийнат».
12.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мусаввир Малик Набиев».
12.15 Ўзбек куйларидан концерт.
12.45 Кундузги сеанс. «Қизил қор ёққанда». Бадиий фильм.
14.10—14.50 «Ҳаёт рисоласи».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Чемпион билан учрашув».
18.25 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.50 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.45 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни»...
21.50 Халқаро симфоник мусиқа фестивали.
22.20 «Қонун ва ижро».
22.40 «Келин-куёв». Телешоу.
23.40 «Кийфа».
00.05 «Ахборот».
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод».
18.20 Мультгомоша.
18.35 «Мезон».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Дилнавоз садолар.
19.35, 20.25, 22.35 Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Ёшлик наволари.
20.40 «Имон».
21.05 Энг синчков томошабин.
21.40 «Дойче Велле» тақдим этади...
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.20 Жаҳон жанговар санъати.
22.40 Синема. «НУХ кемаси қоидалари».
00.30 Спорт қитъаси.
01.00 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.05 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 Мусиқий дақиқалар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Билиб қўйган яхши».
20.10 «Мусиқий дақиқалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «ТВ ва театр».
21.20 «Довираклар». Телесериал.
22.05 Оҳанглар ва эълонлар.
22.15 Кинонигоҳ.
23.55 «Даракчи».
24.00 «Яхши кайфият».
00.50 Тунги тароналар.
01.10 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Бинафша».
18.05 «Биргаликда куйлайлик». Телешоу

ЖУМА 25

«Ўзбекистон» телеканали

1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Куйлардан қўшиқларга.
8.55 Аруз гулшани.
9.05 «Соғлом авлод учун».
9.20 Тофиқ Ал-Ҳаким. «Изҳор». Теленовелла.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Мозийдан бир мўъжиза».
10.20 Немис тили.
10.50 Болалар учун. «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
11.15 «Устозлар даврасида». Мусиқий дастур.
11.45 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси. 52-серия.
12.05 «Ҳуқуқий жамият сари».
12.30 Кундузги сеанс: «Қора қисқичбақа чангалида». Бадиий фильм.
14.10 — 14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» — «Трактор».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Ҳикматнома».
18.25 «Ислоҳот ва масъулият».
18.45 «Севгининг шўх торидан». Сайдулла Маҳкамов.
19.05 «Дунё адабиёти».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.50 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.05 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Адолат мезони».
21.20 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
22.10 «Азиз сиймолар».
22.30 Бадиий фильм.
23.50 «Ахборот».
00.15 Футбол Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» — «Нефтчи».
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод».
18.20 Мультгомоша.
18.35 «Уй остонадан бошланади».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 «Шабнам».
19.35, 20.25, 22.35 Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.50 Ёшлик наволари.
21.10 «Бизнес-доктор».
21.40 «Азизим».
22.05 «Автосалтанат».
22.15 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 Синема. «Минэ» (Туркия).
23.55 «Мусиқий коктейль». Араб эстрадаси.
00.15 Спорт қитъаси.
00.45 «Мунаввар тонг истаб...».
00.50 «Айчурэк».

ЎзТВ-III

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Болалар учун. «Эя ва унинг дўстлари хузурида».
8.25 «Туризм ҳақида».
8.55 «Модерн токинг—98».
9.40 Саргузашт фильмлар экрани.
11.05 «Мусиқий меҳмонхона».
11.25 «Дунёнинг бир бўлаги». Исроил.
11.40 — 13.10 Киноногоҳ.

* * *

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.05 «Ерилтош». Мультўплам.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 Мусиқий лаҳза.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Онагинам».
20.15 Рақслар жилоси.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Довираклар». Телесериал.
21.40 «Жозиба».
21.55 Спорт оламида.
22.20 «Даракчи».
22.25 «Умр дафтари».
22.50 ЎзТВ фильмофондидан. «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.
00.15 «Даракчи».
00.20 Оҳанглар ва эълонлар.
00.30 Киноногоҳ.
02.10 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
Россия жамоат телевидениеси:
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.25 «Бу — Хитой».
21.45 «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.30 «Оскар» мукофоти антологияси. 1948".
22.45 «Оскар» совриндорлари: «Велосипед ўғрилари». Бадиий фильм.
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс: «Муҳаббат атри». Мелодрама. Бош ролларда Софи Марсо, Венсом Перез (Франция).
02.35—02.40 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА 26

«Ўзбекистон» телеканали

1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеалманах.
9.05 «Зиёрат».
9.15 Телевизион миниатюралар театри.
9.50 «Шоҳрух» клуби.
10.10 «Яшил орол сири». Мультфильм.
10.20 «Тасвирга кўчган кўнгил».
10.45 «Умид» студияси намойиш этади: «Орзулар қанотида».
«Окибат».
«Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
«Эстрада ва ёшлар».
«Яшил чироқ». Телемусобақа.
12.55 «Ҳаёт карвони». Публицистик кўрсатув. 1-қисм.
13.15 Кундузги сеанс. «Муфасаил». Бадиий фильм.
14.45—15.15 «Маънавият».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бешбармоқ». Телеҳурнал.
18.20 «Уйғоқ қунлар». Кинокўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
22.00 «Мардлар қўриқлайди Ватанни!»
22.20 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
23.10 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.35 Мусиқий саёҳат.
23.55 «Бу». Бадиий фильм. 1-серия.
01.15—01.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Боланинг тили».
9.15 «Куйла, ёшлигим».
9.25 «Туйғу».
9.45 «Мутойиба».
10.05 «Нигоҳ».
10.20 «Тақдим».
10.35 «Буюк юрт фарзандиман».
10.50 «Мерос». Бадиий фильм. 2-серия.
*11.40



Бош совринни ким оларкин?



Мана бир ҳафтадирки, «Юнусобод» теннис кошонасида байрамона кайфият. Мухлислар бу ерга ишқибозлик қилиш учунгина эмас, балки бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун ҳам келишмоқда.

Журналист ва меҳмонлар учун ўтказилган алоҳида мусобақа кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Баҳсда космонавтлар ҳам иштирок этишди. Генри Стрекалов, Александр Серебров, Григорий Янколар қатнашган мусобақада Лосев — Данилов жуфтлиги имкониятни бой берди. Янко — Стрекалов жуфтлиги эса ғалаба қозонди. Шунингдек, халқаро турнир доирасида болалар учун ўтказилган республика очиқ турнири ҳам мароқли ўтмоқда.

Асосий мусобақада эса ҳозирча, москвалик Евгений Кафельников олдига тушадиган теннисчи топилмай турибди. Унинг таъбири билан айтганда, ҳар бир теннисчи мусобақа чоғида ўзининг жаҳон таснифидаги ўрни ҳақида эмас, балки майдондаги рақиби ва ўз имкониятлари ҳақида кўпроқ ўйласа, нияти ҳосил бўлаверар экан. Шунинг учун бўлса керак Евгений чорак финалга чиқиш баҳсида Жанубий Африкадан келган Давид Наинкинни 6:3, 6:0 ҳисобида енгиб, яна бир бор мухлислар эътиборини қозонди.

Назаримизда, Тошкент турнирининг булутрги ғолиби лондонлик Тим Хенман бу сафар ҳам бўш келмайдиганга ўхшайди. У иккинчи ғалабани исроиллик Ран Эйал билан ўтказиб 6:4, 6:1 ҳисобида устун келди. Шунингдек, аргентиналик Этлис Гастон, франциялик Седрик Пиолин, Россиядан Марат Сафин, германиялик Карстен Брааш, Франциядан Николай Эскуде ҳамда Италиядан Стефано Пескосолидолар мукофотли ўринларга талабгор бўлиб туришибди. Кеча улар ўртасида чорак финал учрашувлари бўлди. Бугун эса, ярим финал баҳсларида эртага бўладиган сўнгги ҳал қилувчи учрашув иштирокчилари аниқланади. Ҳар қалай бир ҳафта давом этаётган қизғин ва муросасиз баҳслар бетакрор воқеаларга бой бўлмоқда. Бош совриннинг кимга насиб этишини эса эртага биламиз.

Ҳайдар НОСИРОВ

Бадиият сирлари

Ҳаракат баракат ва

Умрнинг ғаниматлигини ёшлик ўтганда биларкан киши. Ҳар бир дам ғанимат. Ўтган кунни қайтариб бўлмайди. Буни ҳамма билади, Лекин амал қиладиган кам.

Олимжон Бўриевни талабалик чоғларидан бери танийман. Газета, журнал идораларига, нашриётларга келиб юрарди. Кўриниши, гап-сўзлари ҳавойироқ эди. Йиллар ўтиб, шу йигит қатор китоблар эълон қилди. Форс тилини яхши билгани учун боқий форс шоирлари асарларини асл нусхадан ўқиди. Бадиият сирларини ўрганди. Фақат ўрганиш билан чекланмади. Уларни аруз вазнида таржима қилиб, ўзбек китобхонларини бу шеърият уммонининг мумтоз намуналаридан баҳраманд қилди.

Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Саломон ва Абсол», Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонлари, кейинроқ «Чор китоб» унинг таржимасида нашр этилди.

Олимжон Бўриев Тошкент Давлат университетида ўқиб юрган чоғларида шеърлари газета ва журналларда босила бошлаган эди. 1976 йилда «Ёшлик баёзи» ва «Ёшлик» тўпламларида унинг туркум шеърлари эълон қилинган. Биринчи шеърий гулдастаси «Аттоир» 1989 йилда китобхонлар қўлига тегди. Кейин «Илтифот».

Кўпчилик шоирлар фақат кичик жанрларда ижод қилади. Ўз иқтидори, маҳоратини шунда намоён қилишга интилади. Кўзи пишиб, тажрибаси маълум поғонага кўтарилгач, қаламини йирик жанрда ҳам синаб кўради. Йирик жанр шоир иқтидорини синовдан ўтказадиган мезон.

Олимжон Бўриев ўз кучини буюк шоирларнинг машҳур йирик асарларини таржима қилишда синаб кўрди. Таржима фақат асар мазмунини ўгириш эмас, айниқса аруз вазнида ёзилган мумтоз асарни арузда таржима қилиш оғир. Вазнни тўла сақлаган ҳолда барча бадиий унсурларни, қофия усули ва шаклини ҳам, руҳини ҳам бенуқсон ифодалаш шоирдан катта маҳорат ва билим талаб қилади. Арузда ёзилган асарни бармоқ вазнида таржима қилиш арузни билмасликдан келиб чиқади.

Шундай қилиб, Олимжон Бўриев таржимада қаламини яхшилаб чархлагандан кейин ўзи йирик асарлар ёзишга киришади.

Қизиғи шундаки, Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилингандан кейин ўтган етти йил ичида Олимжон еттита йирик асар эълон қилди. Мен бу ерда у асарларнинг бадиий савияси, ютуқ ва камчиликлари ҳақида фикр юритмоқчи эмасман. Бу анча куч ва меҳнат талаб қиладиган иш. Аммо бу асарларда маълум ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам бор. Мен фақат шоирнинг ҳавас қиларли даражада меҳнаткашлигини, мақсадга етмагунча тиниб-тинчимаслигини, халқимиз тарихи ва маданиятига ихлосмандлиги, ватанпарвар ва жонкуяр ижодкорлигини таъкидламоқчиман.

Ўз устида тинмай ишлаши, изланиши, камолот поғоналари сари дадил интилиши яхши фазилат. Умр ғаниматлигини дилдан ҳис қилган ижодкоргина шундай масъулият билан меҳнат қилади.

Унинг ҳамма достонлари халқимиз, маданиятимиз тарихида ёрқин из қолдирган буюк зотлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Лекин на мазмун, на тасвирда бир-бирини такрорлайди. «Замахшарийнома», «Мирзо Улуғбек», Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий фаолиятига бағишланган «Пири тариқат ва мири ҳақиқат», Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллиги ва Президент Ислом Каримовнинг олтмиш йиллигига бағишланган «Ғурурли миллат тимсоли» достонларида шоир ранг-баранг усуллардан фойдаланиб, нимага қодирлигини намоён қилди.

«Амир Темур» шеърий романи мумтоз адабиётимиз достончилиги анъаналарига тўла амал қилиб ёзилганлиги билан эътиборга лойиқ. Бу анъана фақат шўролар замонида эмас, анча илгари (негадир) истеъмолдан чиққан эди. Шўролар замонида эса муножот, ҳамд, наът каби достоннинг бошланиш қисмлари кераксиз деб қисқартириб юбориларди. Ваҳоланки, шоирнинг фалсафий қарашлари, имон-эътиқоди шу бўлимларда ифодаланарди. (Навоий достонлари бунга мисол).

Унинг имом Исмоил Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланган «Маънавият гултожи» китоби икки шеърий қисса ва ҳикматли шеърлардан иборат. Қиссалардан бири Муҳаммад Пайғамбар ҳақида, иккинчиси Исмоил Бухорий ҳаётига бағишланган.

Бундан ташқари «Туркий сулолалар» ёки «Туркий шоҳнома» сарлавҳали йирик асаридан газета ва журналларда парчалар эълон қилди. Яқинда унинг «Аҳмад ал-Фарғоний» достони Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриётида нашр этилди. Достон номидан кўриниб турибдики, асар буюк аллома Аҳмад Фарғоний ҳаётига бағишланган. Фарғонийнинг аниқ фанлар соҳасидаги айрим асарлари лотин тилига қилинган таржималар орқали Оврупо илм аҳлига таниш эди. Ўзимизда эса соҳа мутахассисларидан ташқари унинг ишларини ҳеч ким билмасди.

Мустақиллик туфайли, туғилган кунининг 1200 йиллиги нишонланадиган бўлди. Шу муносабат билан унинг ҳаёти ва илмий фаолиятини ёритувчи мақола ва рисолалар эълон қилина бошлади. Энди кўпчилик Фарғоний ҳақида бирмунча тасаввурга эга бўлди.

Олимжон Бўриевнинг достони улардан нимаси билан ажралиб туради? Рисола бадиий асар эмас. Достон эса илмий рисола. Ҳаммага маълум бўлган тарихий далил — маълумотларни қофияли мисраларга тизиш билан бадиий асарга айланмайди. У тарихий маълумот бўлиб қолаверади. Тарихий факт бадиий образга айланса, ўша давр манзараси яратилса, қизиқарли воқеалар силсиласида қаҳрамонларнинг жонли қиёфалари очилиб борса, китобхонга таъсир қилади, севиб ўқилади.

Олимжон Бўриев шу маънода маълум муваффақиятларни қўлга киритган. Достонда Фарғоний тарихига шеърий саёҳат қилинади. Кириш ва бағишловлардан кейин Фарғоний пайдо бўлади. Шоир унинг оиласи, болалиги, илм истаб Боғдодга йўл олиши билан таништиради.

Аҳмад расталарни
кезарди баъзан,
Ҳаёт назарида бир
баҳри улкан.
Ундан сузиб чиқиб
митти оролга,
Ҳар кун дуч келарди
китобдор чолга.

Аҳмад Боғдодда ўқиб юриб, бўш вақтларида китоб расталарини айланади. Қизиқарли китоблар кўп. Лекин сотиб олишга талабада пул йўқ. Шунинг учун раста олдида ўзига ёққан китобни варақлаб, синчиклаб ўқийди. Унинг илмга чанқоқлигини китобдор сезади. Ўқишига ҳалақит бермайди.

— Унга ўз ўғлидай
қараб китобдор,
Берарди лутф
қила доим эътибор.

Ана шу олижаноб китобдор бир куни дўконига келган «Байтул ҳикма» олимларининг пешвоси Ал-Хоразмийга Аҳмадни таништиради. Ўртада устоз-шогирдлик ришталари боғланади.

Достонда ҳасадгўй олим Суфё бин Юсуф образи ҳам бор. Хуллас, достонда воқеалар ривожи анча изчил тасвирланади.

Кўриниб турибдики, шоир ўз устида тинимсиз ишлагани, талабчанлик билан меҳнат қилгани учун қўли пишиб, фикри сайқал топиб бормоқда. Достондан достонга камолот сари ўсиш бор.

Одамзотга Аллоҳ
бераркан шуур,
Улуғ китобида деди:
«Қил шукур».
Ақлингни ишлатиб
иш тут оламда,
Илму амал фарздир
ҳар бир одамга!
Қачонки одамзот
қилса ҳаракат,
Яратган ишига
бергай баракат!

Олимжон Бўриев ижодига ҳам ҳаракати, (балки аъмолига қараб) тангри барака бераётгандир. Қисқа муддат ичида қатор достонлар, шеърий роман эълон қилгани бунинг исботидир. Аммо сон кетидан қувиш сифатига зиён етказмаслиги лозим. Олимжон энди тажрибасиз ҳаваскор шоир эмас. Қалами пишиб, ўзини тутиб, жиддий ўйлайдиган пайт келди.

Низомий, Жомий, Навоийларнинг достонлари нега ҳозиргача ўқилади? Нега ўз тароватини, қадрини йўқотмайди? Уларнинг буюклиги, қудрати нимада?

Ўйлаб кўрса арзийди.

Қадимги Римда Вергилий деган шоир ўтган. Унинг «Энеида» деган машҳур достони бор.

Бир донгдор римлик сенатор ўлим тўшагида ётганида уни кўришга келган дўстидан илтимос қилади:

— «Энеида»нинг фалон жойини оч. Ўқи. Мен уни эшитиб туриб жон берай.

У ёшлигидан тилининг гўзал ва нафислиги, рангдор ва таъсирчанлиги, туйғуларнинг теранлиги учун уни севиб қолган эди. Осойишта кунларда ҳам, жангу жадалларда ҳам шу китобни доим ўзи билан олиб юрган. Ўқиган. Ундан руҳ ва қувват олган.

Бизда шундай достонлар борми?

«Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш» достонларида шундай ўринлар бор. Ёзма достончилигимиздачи?!

Маъруф ЖАЛИЛ

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 19 sentyabr, shanba № 113 (23.350).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф ЖЎРАЕВ*
навбатчи *Нурбек ТОШНИЁЗОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи *Баҳтиёр ҲАМИДОВ*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматида, 19.629 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади

Г — 0313

Босишга топшириш вақти — 20.40
Топширилди — 21.00

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Организация реализует со склада в Ташкенте нижеследующие:

- *Асботкань АТ-1С; АТ-3*
- *Сальниковая набивка АПРФ 10*
- *Автошины 175х16 (Газель); 205х14 (Волга) 8,40х15 (УАЗ).*
- *Аккумуляторы 6СТ-60; 6СТ-90; 6СТ-180.*

Автозапчасти:

Гильзо-поршневая группа, коленвалы, головки блока, прокладки головок блока, уплотнители, сцепления, детали коробок скоростей, детали ходовой части, всего более 400 наименований для автомобилей ГАЗ-24; ГАЗ-53; ЗиЛ-130; семейства МАЗ; семейства КАМАЗ и КрАЗ.

Форма оплаты — перечисление.

Наш адрес:

г.Ташкент — 700015, ул. Айбека, 47.
Тел.: 54-78-19, 54-93-07.
Тел/факс: 54-76-31.

«ЎЗЭЛЕКТРКАБЕЛСАВДО»
очиқ акционерлик жамияти

1998 йилнинг II чораги учун ўз акционерларига бир акцияга 100 сўм миқдорида дивиденд белгиланганлигини маълум этади.



Суратга олиш давом этади
Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади.

Ҳақ тўлаш — пул ўтказиш йўли билан.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин.

Манзил: *Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.*
Телефон: 54-56-11.
Факс: 54-49-11
Пейджер: (067) 90-79

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси тасарруфидаги Минерал ресурслар институти

1998 йил ноябрь ойида 04.00.11 «Маъданли ва номаъдан конлар геологияси, уларни излаш ва қидириш металлогения» (1 киши докторантурага, 2 кищи аспирантурага) ва 05.15.14 «Геология қидирув ишлари ва техникаси» (1 киши фақат аспирантурага) мутахассисликлари бўйича докторантура ҳамда аспирантурага танлов асосида

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқишни хоҳловчилар 1998 йил 10 октябрдан кечиктирмай тегишли ҳужжатлар билан илмий котибга учрашишлари лозим.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, Миробод кўчаси, 11а. Минерал ресурслар институти.